



Раббингиз Аллоҳдан тақво қилинг, беш маҳал намозингизни ўқинг, ойингизда рўза тутинг, молингизни закотини адо этинг ва бошлиғингизга итоат этинг, Раббингиз жаннатига кирасиз!

Абу Умома разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Видолашув ҳажида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни шундай деб хутба қилаётганларини эшитдим: «Раббингиз Аллоҳдан тақво қилинг, беш маҳал намозингизни ўқинг, ойингизда рўза тутинг, молингизни закотини адо этинг ва бошлиғингизга итоат этинг, Раббингиз жаннатига кирасиз!».

[Саҳиҳ] [Термизий ва Аҳмад ривояти]

Ҳижратнинг ўнинчи йили Арафа куни «Видолашув ҳажида» Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилдилар. Унинг «Видолашув» деб аталиш сабаби шундаки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у хажда одамлар билан видолашган эдилар. Барчани Раббиларининг буйруқларини бажариш, қайтариқларидан қайтиш билан У Зотга тақво қилишга, Аллоҳ бир кеча кундузда фарз қилган беш маҳал намозни ўқишга, Рамазон ойида рўза тутишга, бахиллик қилмасдан молларидан закот беришга ва Аллоҳга маъсият бўлмаган ўринда бошлиқларга итоат этишга буюрдилар. Ким зикр қилинган нарсаларни бажарса, унинг савоби жаннатдир.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3520>

